

**«КИНО» МИКРОГУРУХИ ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТЛАРИ****Н.А.Хошимова****ФДУ**

**Аннотация:** Мазкур мақолада “кино” микрогруху лексемаларининг синтагматик муносабатлари атрофлича ёритилган. Тилшуносликда валентлик назарияси тадқиқ этилган. Лексемаларнинг актуал ва потенциал семалари аниқланган.

**Калит сўзлар:** микрогрух, синтагматик муносабатлар, валентлик, сема, лексема, актуал, потенциал.

**Аннотация:** В данной статье освещены вопросы синтагматических отношений лексем микрогруппы «кино». Исследована теория валентности в языкоznании. Выявлены актуальные и потенциальные семы лексем.

**Ключевые слова:** микрогруппа, синтагматические отношения, валентность, сема, лексема, актуальный, потенциальный.

**Annotation:** The given article elucidates the issues of syntagmatic relations of the lexemes of the microgroup “cinema”. The theory of valency in linguistics is studied. The actual and potential semes of the lexemes are defined.

**Key words:** microgroup, syntagmatic relations, valency, seme, lexeme, actual, potential.

**КИРИШ**

Синтагмалар (ёки синтагмалар занжири) орқали нутқ шаклланади. Синтагматик муносабатга киришишда муайян бир сўз бошқа бир сўзга маълум маъно (ўрин, пайт, ҳолат ва ҳ.к.) бериш учун, уни тўлдириш учун ишлатилади ва бу «валентлик» деб юритилади.

Умуман, сўзни синтагматик бирлик сифатида текшириш «валентлик» ёки «бирикма» тушунчалари билан боғлиқ. Мазкур мақолада “кино” микрогрухи бирликларининг валентлик имкониятлари кўрилади.

**АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

В.Порцигнинг кўрсатишича, гапдаги сўзларнинг бирикуви турлича ва чегараланган бўлади. У ўзаро боғланган мазмуний муносабатлар (юрмоқ-оёқ, кўрмоқ-кўз, ушламоқ-қўл, эшитмоқ-қулоқ, гулламоқ-гул, ўсмоқ-организм, акилламоқ-ит, кишнамоқ-от ва ҳаказолар) ҳақида фикр юритган [7].

В.Порцигнинг фикрларидан келиб чиқиб, П.Гребе сўзларнинг мазмуний муносабати ва бир сўзниң бошқа сўзлар билан бирика олишини сўзларнинг «семантик-синтактик номи», деб таъкидлаган эди.

М.Д.Степанова ҳам лексик бирликларнинг семантик структурасида бу бирлик бошқа лексик бирликлар билан синтагматик бирика олиш имкониятининг кўриб чиқилганлигини, лекин у валентлик эмаслигини айтиб ўтган. Кўринадики, маълум

даврда тадқиқотчиларнинг мазкур масала ёндашув ва муносабатлари турлича бўлган.

Бу фикр битта умумий семантик белгига эга бўлган компонент луғавий майдонларни ва бир умумий синтагмага кирадиган сўзларнинг синтагматик луғавий майдонларини мазмуний майдон сифатида назарда тутган В.Порцигга ҳам тегишли. П.Гребе «мазмуний муносабат», Э.Лейзи эса «мазмуний мутаносиблик», деб номлаган хусусият (белги) аслида реал ҳодиса сифатида «валентликка» тўғри келади [6].

Синтагматикада ёки, бошқача айтганда, тил бирликлариниг комбинатор (валентлик) хусусиятлари ҳақидаги таълимотда мазмуний мутаносибликдан ташқари мазмуний номутаносиблик ва бетараф муносабат ҳодисалари ҳам кузатилади. В.Г.Гак синтагматик маъноларнинг ўзаро муносабатлари, аникрофи, сўзлар бирикмасида маълум маънонинг бир неча бор такрорланиши ҳақида фикр юритган. Мисол сифатида «Қуш инига учиб келди» сўзлар бирикмасини олиб, бунда икки марта «учмоқ» семаси қайтарилимоқда, яъни қушга оид ҳаракат – бу «учиш», бу «қуш» лексемасининг семаси, кейин бу бирикмада «учмоқ» лексемасининг ўзи ҳам ишлатилган. «Мусиқа тингламоқ» бирикмасида икки марта «tinglamoқ» семаси қўлланилган. «Рассом расм чизяпти» бирикмасида эса «чизмоқ» семаси такрорланган. В.Гак семаларнинг қайтарилишини мазмуний мутаносиблик сифатида белгилайди [1].

Ҳозирги замон тилшунослигига лексик валентлик борасидаги кўплаб тадқиқотлар яратилмоқда. Лексик валентлик тушунчаси ҳар қайси тил учун хос бўлган сўз туркумининг боғлана олиш қонуниятлари ҳамда сўзда мазмуний структура билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Ўзбек тилшунослари М. Миртожиев ва С.Мухаммедовалар ўз тадқиқотларида валентлик сўзнинг маъно асосланишига ажратилиши, агар у лексик бирликнинг семантикасига асосланган бўлса, семантический валентлик дейилиши, бироқ унинг моҳиятини тўла очиб бериш учун лексик-семантический валентлик атамасини қўллаш лозимлигини таъкидлайдилар [3].

Валентлик сўзнинг бошқа элементлар билан синтактик алоқага кира олиши бўлиб, ушбу тушунча тилшуносликка С.Д.Кацнельсон томонидан олиб кирилган.

Валентликнинг асосий шарти бу контекстга мос бўлган сўзларни танлашдир. Демак, валентлик мазмуний бирикув қонунларига ва бирликларнинг умумий компонентига асосланган ҳолда мос келишига асосланган. Валентлик бир лексемани бошқа лексемалар билан боғлаб, гапни шакллантиради.

Л.Тенъер эса валентликни феълларга хос, деб ҳисоблади. У валентликни феъл ўзига боғлай оладиган актантлар сони сифатида таърифлайди ва бир валентли, икки валентли ҳамда уч валентли феълларни ажратади. Тилшунос олим Ю.Д.Апресян эса ўз тадыниотларида феълларнинг валетлик сони олтига ва еттитага ъам етиши мумкинлигини таъкидлайди.

А.Нурмонов, Н.Махмудов, А.Аҳмедов ва С.Солихўжаева «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» асарида феъл синтаксемаларининг семантический ва синтактик

валентликлари ҳали ҳеч қайси бир тилда тўлиқ аниқланмаганлиги хақида фикр юритадилар [4].

### **НАТИЖА ВА УНИНГ МУХОКАМАСИ**

«Санъат» архисемали лексемаларнинг синтагматик муносабатларини таҳлил қилишда биз алоҳида эътиборни алоқалар турига қаратдик.

Маълумки, бирикма ёки гап шаклланиши учун синтактик алоқа, мазмуний алоқа ва мазмуний бирикув мавжуд бўлиши керак.

Фақат синтактик алоқагина гапни тўғри грамматик жиҳатдан шакллантира олади. Мисол тариқасида қўйидаги гапни таҳлил этамиз.

**Ёқимли кино бошини силкитди** гапи грамматик тўғри шаклланган, лекин бу гап ҳеч қандай мазмун англашилмайди [2].

Кино + бош лексемалари бир бири билан мутлақо бирика олмайди. Бир микрогурӯҳ таркибидаги кино + сеанс лексемалари ҳам валентликни ҳосил қиласиди. Ушбу икки лексема орасида ассоциация ва компонентлар умумийлиги кузатиляпти. Демак, мазмуний алоқа ҳам мавжуд. Бироқ бу икки лексеманинг бевосита семантик ва синтактик муносабатга киришиши кузатилмайди.

Кизиқарли + кино лексемалари бир бири билан бирикиб келмоқда, яъни бу лексемалар орасида мазмуний алоқадан ташқари мазмуний бирикув ва синтактик алоқа ҳам мавжуд.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, агар сўз бирикма ва сўз қўшилмаларини ҳосил қилган лексемаларнинг лексик маъноларида такрорланаётган мазмуний компонентлар мавжуд бўлса гап ёки бирикма мазмуний боғланган бўлади.

Мазмуний бирикувда компонентлар ёки семалар такрорланиши қандай амалга ошишини кузатайлик.

Узлуксиз фильм бирикмасида узлуксиз лексемаси фильм лексемаси билан валентлик ҳосил қилмоқда. Мазмуний бирикув бу лексемалар орасида фильм лексемасининг кетма-кетлик актуал семаси орқали ва худди шу сема узлуксиз лексемасида потенциал бўлиб келиши орқали изоҳланади.

Фильмда таниқли актёрлар ижро этдилар гапида ижро этмоқ лексемасининг роль үйнамоқ потенциал семаси орқали фильм ва актёр лексемаларининг худди шу актуал семалари бирлаштиromoқда. Таниқли ва актёр лексемалари бир бири билан актёр лексемасининг потенциал ва таниқли лексемасининг актуал машҳурлик семалари билан синтагматик муносабатга киришади. Шунингдек, роль үйнамоқ семаси уч марта, машҳурлик семаси икки марта такрорланмоқда. Демак, гапнинг мазмуний боғлиқлиги такрорланаётган семалар орқали ифодаланади.

Синтагматик муносабатларда сўзларнинг факультатив ва мажбурий валентликлари кўрилади.

Белги ва предикат сўзларнинг бирикуви мажбурий ва факультатив валентликлар асосида ифодаланади. Масалан, саҳналаштиromoқ феъли иккита мажбурий валентлик

(объект ва субъект), худди шундай факультатив валентликларни (ўрин-жой ва муддат) ҳам талаб қиласи.

Лурияниг фикрига кўра валентликлар сонини инобатга олганимизда предикат таркибидаги сўзда бешта валентлик кузатилади. Лекин Ю.Д.Апресян ўзининг тадқиқотларида олти ва етти валентлик сўзларини кўрсатиб ўтмоқда.

Шунингдек, саҳналаштиromoқ лексемаси тўртта валентликни талаб қиласи (ким, нимани, қаерда, қанчадан бери).

*Режиссёр фильмни икки ой давомида Фарғонада саҳналаштируди.*

Яратмоқ лексемаси олтига валентлик сонига: субъект ва объект, муддат (вақт), ўрин-жой, инструмент, ва мақсад валентликларига эга.

Кўрмоқ феъли (объект, субъект, ўрин-жой, пайт);

Эшитмоқ феъли (объект, субъект, ўрин-жой, контрагент, пайт);

Ижро этмоқ феъли (объект, субъект, ўрин-жой, асбоб, вақт, мақсад);

Қатнашмоқ феъли (объект, субъект, ҳолат, мақсад, вақт)

Қўймоқ лексемаси жойлаштиromoқ; қурмоқ; ташлаб кетмоқ; бўшатмоқ; ўз холича боқмоқ; назардан четда қолдирмоқ; талоқ қилмоқ; рухсат бермоқ; ўстиromoқ; аниқламоқ; юкламоқ; белгиламоқ; намойиш қилмоқ; сақламоқ каби лексик-семантик вариантларининг умумлашмасидир.

Режиссёр субъект валентлигидан ташқари қўймоқ лексемаси бир неча объект валентликларига ҳам эга:

Жойлашириш, ўрнатиш ҳаракатидаги объект – предмет;

Қуриш ҳаракатидаги объект – предмет (ойна, ин...);

Ташлаб кетиш ҳаракатидаги объект – предмет ва шахс;

Ўтлатиш асосидаги объект – ҳайвонлар;

Бирор иш-ҳаракатни бажариш учун рухсат бериш асосидаги объект – шахс;

Ўстириш асосидаги объект – (соч, тирноқ...);

Юбориш, йўналтириш ҳақидаги объект – предмет, абстракт тушунча;

Белгилаш ҳаракатидаги объект – предмет, абстракт тушунча;

Намойиш қилиш асосидаги объект – предмет, абстракт тушунча.

Қўймоқ лексемаси мажбурий объект валентлигидан ташқари бир неча факультатив валентликларига ҳам эга:

Усул валентлиги;

Сабаб валентлиги – байрам муносабати билан қўймоқ;

Жой валентлиги – кинотеатрда қўймоқ;

Муддат валентлиги - бир ҳафта давомида қўймоқ;

Вақт валентлиги – соат 5 да қўймоқ.

## **ХУЛОСА**

Синтагматик муносабатларида мазмуний бирикув ҳосил бўлиши ва маъно кўрсаткичи сифатида изоҳланиши кўрсатиб ўтилди. Мазмуний бирикув мазмунан

асосий лексеманинг потенциал сема ва мазмунан тобе бўлган лексеманинг актуал семаси орқали вужудга келади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Khoshimova, N. A. (2021). ASSOCIATIVE FIELDS OF THE COLLECTIVE AND INDIVIDUAL CONSCIOUS. *Theoretical & Applied Science*, (5), 436-439.
2. Makhmudovna, K. G. (2022). Creative Strategies to Improve Vocabulary Teaching. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(10), 259-261.
3. Hashimova, N., & Sattorov, T. (2021). USAGE OF ENGLISH MILITARY TERMINOLOGIES AS A NEUTRAL AND COLLOQUIAL VOCABULARY. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PHILOLOGICAL SCIENCES (2767-3758)*, 2(11), 162-167.
4. Akhmedova, M. (2012). Characteristics of bronchial asthma associated with allergic rhinosinusitis in children. *Medical and Health Science Journal*, 11, 39-43.
5. Isaqjon, T. (2022). Strategies and techniques for improving EFL learners' reading skills. *Inolta Scientific Journal*, 1(11), 94-99.
6. Ahundjanova, M. A. (2020). METHODS AND METHODS OF TEACHING RUSSIAN AND ENGLISH LANGUAGE AND LITERATURE. *Экономика и социум*, (11), 46-49.
7. Ahundjanova, M. (2022). THE NEEDS FOR IMPROVING LEARNERS' AUTONOMY IN FOREIGN LANGUAGE CLASSES-AS A KEY FACTOR TO BOOST LANGUAGE LEARNERS. *Science and innovation*, 1(B6), 390-392.
8. Gafurova, N. I. (2021). Structural-semantic classification of construction terms in English and Uzbek languages. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 571-575.
9. Gafurova, N. (2020). Ҳозирги замон тилшунослигида “Термин” ва унга турлича ёндашувлар. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(1), 58-62.
10. Oxunov, A. O. O. (2021). INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA UNDOV SO'ZLAR (INTERJECTION) NING IFODALANISHI. *Academic research in educational sciences*, 2(12), 401-406.
11. Ахмадалиева, Г. (2021). Teaching reading strategies in ELT. *Общество и инновации*, 2(5/S), 166-170.
12. Azamovna, A. M. (2022). Tilshunoslikda Va Badiiy Asarda “Nuqtai Nazar” Tushunchasi. *Miasto Przyszlosci*, 29, 398-399.
13. Abdumutaljonovna, P. S. (2022). Main Characteristics of Advertising Discourse in Modern Linguistics. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 9, 173-176.
14. Ismoilova, G. (2021). FRAZEOLOGIK BIRLIKLER KLASSIFIKATSIYASI. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
15. Kochkorova, Z. A. (2022). THE COMPARATIVE ANALYSIS OF THE VERBALIZERS OF THE CONCEPT OF “WEDDING” IN THE ENGLISH AND

UZBEK LANGUAGES. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture, 2(6), 250-253.

16. Qizi, O. S. Z., & OGII, A. M. B. The Influence of Multilingualism in Learning a New Language.
17. Kuchkarova, Z. (2021). COMPARATIVE STUDY OF PHRASEOLOGICAL UNITS VERBALIZING THE CONCEPT OF "WEDDING" IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
18. Qizi, I. G. X. (2022). Using phraseological units in theolinguistics.
19. Абдухалимова, С. (2022). THE CONCEPT AND CONTENT OF INTERCULTURAL DISCOURSE. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 5(4).
20. Xoshimova, N. (2019). External factors of associations' individuality. *Scientific journal of the Fergana State University*, 2(2), 134-136.